## КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ IV СЪЕЗДИ

# М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Лениннинг социалистик революция ғалабасидан кейин кооператив ҳаракатнинг социалистик характери тўғрисидаги қоидалари кўпдан-кўп фикр-ўйларнинг, революциядан кейинги дастлабки йиллар тажрибасини чуқур таҳлил этишнинг якуни бўлди. В. И. Ленин «Кооперация тўғрисида»ги машҳур мақоласида давлат ҳокимияти меҳнаткашлар қўлида бўлган бир шароитда социалистик давлат ерга ва асосий ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган, у кооперативларнинг фаолиятига раҳбарлик қилаётган бир пайтда, — мана шундай шароитда кооперациянинг ўсиши социализмнинг ўсиши эканини муфассал кўрсатиб берди. Лениннинг энг муҳим хулосаси мана шундан иборат.

Лениннинг бошқа бир чуқур ғояси шундан иборатки, социализм шароитида хўжаликни ташкил этишнинг кооператив принциплари ижтимоий ишлаб чиқариш барча қатнашчиларининг манфаатларини бирга қўшишнинг самарали йўлини очади, хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш фаолиятини халқнинг ўзини-ўзи бошқариши билан бирга қўшишнинг қойилмақом усули бўлиб қолади.

Айни шу боисдан ҳам Ленин давлат корхоналари билан кооператив корхоналарнинг мустаҳкам ўзаро алоқада ишлашини, уларнинг ишлаб чиқариш ва социал муаммоларни ҳал этишда, мамлакатнинг бутун турмуш тарзини ўзгартиришда биргаликда қатнашишини қатъият билан талаб қилган эди. У кооператив фаолиятнинг усуллари хилма-хиллигини кўрсатиб, мамлакатнинг меҳнаткаш аҳолисини кооперацияга имкони борича тўлиқроқ ва қатъий ихтиёрийлик асосида жалб қилишга чақирган эди.

Ишлаб чиқаришни кооператив тарзда ташкил этишнинг айни демократизми ва хўжалик ҳисобидаги негизи, унинг мустақиллиги ва тадбиркорлиги одамларнинг ижодий қобилиятлари ва ташаббусларини намоён этиш учун кенг имконият очиб беришга Ленин шубҳа қилмаган эди. Ҳозир, биз жамиятни тубдан ўзгартириш вазифаларини ҳал этаётган бир пайтда бизга асқотадиган нарса худди мана шунинг ўзи-ку, ўртоқлар.

Лениннинг кооперация тўғрисидаги таълимотини турмушга татбиқ этишнинг дастлабки босқичларидаёқ салмоқли самараларга эришилди. Кооператив ҳаракатнинг муваффақиятлари янги иқтисодий сиёсатнинг асосий принципларини рўёбга чиқариш билан узвий равишда боғлиқ бўлди, ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқини мустаҳкамлади.

Бироқ Лениннинг кооперация тўғрисидаги новаторлик ғоялари кейинчалик бирмунча саёзлаштириб юборилди. Бу ғояларнинг бутун бойлиги «кооператив план»дан иборат қилиб қўйилди. Шу планга мувофиқ, кооператив асосан қишлоқда, шунда ҳам, аслида бирдан-бир шаклда — қишлоқ хўжалик артеллари тарзида яшай олар эди. Бунда колхозларга давлат секторининг кичик шериклари роли ажратилар эди.

20—30-йиллар оралиғида коллективлаштиришни ўтказишда Лениннинг кооперация тўғрисидаги таълимоти қўпол сохталаштирилганлиги тўғрисида илгари ҳам гапирган эдим. Кейинги йилларда ҳам кооперацияга нисбатан ўзбошимчаликка йўл қўйилди, ҳунармандчилик кооперацияси асоссиз равишда тугатиб юборилди, колхозлар маъмурий усуллар билан совхозларга айлантирилди, кооператив фаолиятнинг бошқа турлари тақиқланди ёки чеклаб қўйилди.

Бунинг устига кооперацияга ўзига хос давлат ташкилоти руҳи берилди. Колхозлар ва умуман кооперация фаолиятининг ихтиёрийлик, ўзини-ўзи бошқариш, хўжалик ҳисоби, бошқа принциплари қўпол равишда бузилганини сизларнинг кўпчилигингиз ўз тажрибангиздан биласизлар. Мана шуларнинг ҳаммаси ҳозиргача ҳам сезилиб келмоқда, жамоат ишларига пассив муносабатни келтириб чиқармоқда, социализмни ривожлантиришнинг нафақат иқтисодий, шунингдек сиёсий, мафкуравий жиҳатларига ҳам дахл қилмоқда.

Ҳар ҳолда, ўртоқлар, ўтмишимизга мурожаат этганда, кооперация гарчи у мураккаб йўлдан ўтган бўлса-да, мамлакатни мустаҳкамлашга ва тиклашга катта ҳисса қўшган, деб тўла асос билан айтиш мумкин.

Биздаги кооператив ҳаракатининг илдизлари чуқур. Омманинг ижодкорлиги учун кенг имкониятлар очиб берган социалистик революция кооперацияга янги туртки берди. Бу гап социалистик қурилишнинг барча соҳалари ва йўналишларига — саноатга, хилма-хил ҳунармандчиликларга, савдо-сотиқда, деҳқонларнинг турмуш тарзини қайта қуришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга тааллуқли бўлди. 20-йилларда кооперация равнақ топганлиги маълум. Лениннинг партия съездлари ва конференциялари қарорларида ифодаланган ғояларидан изчиллик билан фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришда ва савдо-сотиқда, таъминот ва реализацияда, молия ва кредитда, маиший хизмат ва бошқа соҳаларда кооперациянинг янги шакллари гуркираб ривожланди.

Партия билан Совет давлати кооперацияга доимо ташкилий-сиёсий ва молиявий мадад бериб турдилар, оқилона молиявий-солиқ сиёсатини ўтказдилар, кооператив ҳаракатнинг демократик негизларини мустаҳкамлаш учун, иқтисодий ва социал негизини кенгайтириш учун зарур чораларни кўрдилар. Мана шуларнинг ҳаммаси дастлабки пайтларда яхши натижалар берди, социал-иқтисодий ўзгартишларни жадаллаштиришга кўмаклашди.

Айни кооператив ҳаракати гражданлар урушидан кейинги очарчилик ва вайронгарчиликни бартараф этишга кўп жиҳатдан ёрдам берди, молия ва пул системасини соғломлаштиришга, меҳнаткаш инсонда ишлаб чиқариш ва мамлакат хўжайини туйғусини вужудга келтиришга, янги турмуш қуришда одамларнинг активлигини оширишга кўмаклашди.

20-йилларнинг охирига келиб қишлоқ хўжалик кооперациясининг турли шаклларига деҳқон хўжаликларининг тахминан учдан бир қисми жалб этилди. Мамлакатда қуйидан тузиладиган кооперативларнинг ўнлаб тури, уларнинг уюшма ва бирлашмалари пайдо бўлди, улар бозорга хилма-хил қишлоқ хўжалик маҳсулотини етказиб бердилар, энг оддий машина ва ускуналарни, бинокорлик материалларини ишлаб чиқардилар, руда қазидилар ва металл эритдилар, техника ва рўзғор асбобларини ремонт қилдилар, кийим-кечак ва пойабзал тикдилар — хуллас, жамиятга жуда зарур бўлган ишларни қилдилар.

Ўша пайтдаги кооперациянинг аҳолини таъминлашдаги ролини ҳам муносиб баҳоламоқ керак. Ўша йиллардаги кооператив статистикасининг маълумотларига кўра, давлат саноатида ишлаб чиқарилган асосий истеъмол молларининг 50-70 процентгача бўлган қисми матлубот кооперацияси орқали реализация қилинар эди. Улар қишлоқдагина эмас, шаҳарда ҳам савдо иши билан шуғулланар эди. 20-йилларнинг ўрталарида кооперативлар дон ва зиғир толасининг тахминан 35 процентини, жуннинг 40 процентга яқинини, пахтанинг 80 процентини, қанд лавлагининг 90 процентини тайёрлаб бердилар. Деҳқонларни машиналар, қишлоқ хўжалик асбоблари, уруғлик билан таъминлашда ҳам кооперация катта роль ўйнади.

Афсуски, бу аҳвол узоқ давом этмади. Давлат сектори билан кооперативлар ўртасидаги ноэквивалент айрибошлаш, бошқарувнинг буйруқбозлик усуллари кучайиши, жамият турмушининг демократик асослари торайиши шароитида кооперация ғоясининг ўзи оёқости қилина бошлади, унинг роли пасайтирилди, хилма-хил шакллардан маҳрум этилди. Ўз чиқимларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи бошқаришга асосланган кооперация хўжалик ҳисобисиз ва кенг демократиясиз яшай олмас эди. У қисқариб, ўзининг фаолият соҳасини тобора торайтира бошлади.

Колхозлар ҳам бирталай мураккаб тарихий бурилишлар ва қийинчиликларни, ҳатто аграр секторга зиён етказган таҳликали ҳодисаларни бошдан кечирди. Хўжаликлар бир неча бор йириклаштирилганлиги ва яна орқага қайтилганлиги, колхозлар оммавий равишда совхозларга айлантирилганлиги, баъзан уларга тайёрланмаган кишиларнинг раҳбарлик ишига юборилганлиги шулар жумласига киради.

Ўзбошимчалик билан ўтказилган кўпдан-кўп кампаниялар колхозларнинг экономикасига салбий таъсир қилди. Ҳаддан ташқари катта хўжаликлар вужудга келтирилганлиги, турли-туман қайта тузишлар, томорқа хўжалиги ва ҳунармандчиликни ривожлантириш хусусидаги чеклашлар ва тақиқлар катта зиён етказди.

Колхозларга, кооперацияга бундай муносабатнинг оқибатлари умуман яхши маълум. Бу оқибатларни шу пайтгача ҳам сезиб келмоқдамиз. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш чўзилиб кетганлиги, кўпгина халқ истеъмоли молларининг етишмаслиги ва турлари камлиги, хизмат соҳасининг чекланганлигини ҳам шу жумлага қўшмоқ керак. Фойдаланилмаётган меҳнат резервлари ҳам, моддий ресурсларнинг исроф бўлаётганлиги ҳам шу жумлага киради. Ниҳоят, ривожланишнинг энг муҳим социал омиллари жуда бўшашиб кетганлиги ҳам шу жумлага киради.

Ўртоқлар, кооперацияга нисбатан тутилган бундай йўл хато бўлиб чиққанини бугун тан олишимиз керак. Кооператив ҳаракатининг ленинча принципларидан чекиниш натижасида мамлакат ва унинг экономикаси ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам социал жиҳатдан катта зиён кўрди.

Партиянинг XXVII съездида биздаги кооперация ўз имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланаётгани йўқ, деб таъкидланди. Съездда бу масалада тўла равшанлик бўлиши керак, деган фикр билдирилди. Бизнинг шундан кейинги таҳлилимиз кооперация ҳозирги жамият турмушида муҳим роль ўйнаши мумкинлиги ва лозимлигини кўрсатди.

Кооператив ҳаракатини, унинг бутун хилма-хиллигини қайта тиклаш керак. Янги шароитлар ва янги эҳтиёжларни эътиборга олиб, қайта тиклаш лозим, албатта. Биз эски, кўпинча жуда жўн шакллардаги кооперацияни эмас, балки замонавий, юксак маданиятли, ўз ичида ҳам, шунингдек давлат корхоналари ва ташкилотлари билан ҳам кенг миқёсда интеграциялашган кооперацияни қайта тиклашимиз керак. Бизга олий сифатли маҳсулот етиштира оладиган ва хизмат кўрсата оладиган, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги корхоналар билан рақобат қила оладиган юксак самарали, техника билан яхши таъминланган кооперация керак.

Биз эндиликда кооператив ҳаракатига кенг имконият очиб берар эканмиз, нималарга амал қиламиз? Бизнинг мақсадларимиз равшан ва тушунарли, у ҳам бўлса совет кишиларининг эҳтиёжларини яхшироқ қондиришдан, қўшимча моддий ресурслар қидириб топишдан, бутун экономикани ва қолаверса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, у етиштирган ҳосилни қайта ишлашни ва қишлоқликларнинг турмушини юксалтириш омилларини кучайтиришдан иборат.

Кооперация хўжайинлик туйғусини, ташаббускорлик ва омилкорликни тарбиялаш билан бирга озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда, сифатли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда, хизмат соҳасини кенгайтиришда, совет кишиларининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашда катта ёрдам бера олади. Истеъмол моллари ва хизматларга талаб ҳозир нақадар тез ўзгараётганини, уларнинг турларини доимо янгилаб туриш нақадар зарурлигини биласизлар, ўртоқлар. Бу эса ишлаб чиқарувчилардан талабга эпчиллик билан мослашишни, якка тартибда ёндашувни, маҳаллий шароитларни яхшироқ эътиборга олишни талаб қилади. Кооперативлар айни шу хусусиятларга эгадирлар.

Кооператив шаклларини кенг қўлланиш йирик, ўрта ва кичик корхоналардан энг мақбул тарзда биргаликда фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Йирик корхоналарда озроқ миқдордаги маҳсулотлар учун, асбоб-ускуна ва приборларнинг кўпгина турлари учун буюртмаларни бажаришдаги қийинчиликлар ҳаммага маълум. Хўжалик ходимлари ҳажм жиҳатидан чоғроқ лойиҳа, қурилиш ва ремонт ишлари пудратини таъминлаш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни яхши биладилар. Рационализаторларнинг ўз таклифларини жорий этишдаги азоблари, бадиий-жиҳозлаш ишлари, илмий-техникавий консультациялар ва шу каби муаммолар ҳамманинг оғзига тушган. Бундай ишлар йирик корхоналар учун кўпинча нафсиздир. Натижада ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги пасаяди, вақт ва маблағ йўқотилади. Йирик ижтимоий ишлаб чиқаришга оқилона қўшимча бўла оладиган чоғроқ кооператив ташкилотлари кўп ишни зиммаларига олишлари мумкин.

Ишнинг бошқа жиҳати — социал масалаларни ҳал этиш ҳам муҳимдир. Кооператив фаолияти турли даражадаги малакага мўлжалланган кўп профилли ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали, жумладан, кичик шаҳарларда, посёлка ва қишлоқларда аҳолининг барча табақаларини иш билан таъминлаш имконини беради. Кооперативлардаги иш оилаларнинг даромадларини кўпайтиради, социал инфраструктурани ривожлантириш учун маҳаллий бюджетларнинг ресурсларини тўлдиради.

Ниҳоят, кооперация турли сабабларга кўра, давлат корхоналари ва ташкилотларида ишлай олмайдиган кишиларни ишлаб чиқаришга ва хизмат соҳасига жалб эта олади. Булар, аввало, пенсионерлар, инвалидлар, уй-рўзғор ишида машғул бўлган аёллар, ўқувчи ёшлардир.

Ҳозир бизга жуда хилма-хил шакллардаги кооперация керак. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида янги кооперативларни ташкил этиш ҳам, колхозларнинг ва матлубот кооперацияси ташкилотларининг демократик кооператив негизларини қайта тиклаш ва чуқурлаштириш ҳам, колхозлар ва давлат корхоналарининг бошланғич меҳнат коллективлари даражасидаги кооперацияни ривожлантириш ҳам, корхоналар ўртасидаги шартнома муносабатлари ҳам шу жумлага киради. Ана шундай кенг тармоқли кооперация негизида ижтимоий мулкнинг бой мазмунини амалда рўёбга чиқариш имконияти туғилади.

Умуман, ўртоқлар, корхонанинг миқёсларидан ҳам кўра ўзини-ўзи тез қайта қуриш, ўзгариб борувчи талабга чаққон жавоб бериш, маҳаллий шароитлардан, шунингдек, ходимларнинг шахсий маҳорати ва омилкорлигидан тўлиқроқ фойдаланиш қобилияти ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган бир талай соҳалар бор.

Кооперацияни кенг ривожлантириш вазифасини амалий изга қўяр эканмиз, шу тариқа биз партиянинг кооператив ҳаракатни юксалтириш йўлига ишончсизлик билан, баъзан ҳатто қаршилик билан қараётган барча кишиларга жавоб ҳам берамиз. Гўё кооперация хўжалик юритишнинг социалистик шакли эмас, балки хусусий эгалик фаолиятига қайтиш, деб даъво қилиб, асабийлаша бошлаган ва бесаранжом бўлиб қолган кишиларга ҳам шу тариқа жавоб берамиз.

Бу ўртоқларга айтишим мумкин: Бундай шубҳа-гумонлар ва даъволар илгари ҳам бўлган эди. Бир вақтлар айни шундай далиллар билан кооперацияни «муваффақиятли равишда бўғиб қўйган эдилар». Йўқ, эксплуатациядан ва синфий антогонизмдан халос бўлган жамиятда меҳнаткашларнинг оммавий социал ҳаракати бўлмиш кооперация ўз табиатига кўра социализм вазифаларига, унинг меҳнат ва коллективчилик мақсадларига тўла-тўкис мос келади.

У мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ишида очадиган янги имкониятлар ҳам худди мана шундан келиб чиқади. Қайта қуриш кооперацияга ижтимоий қизиқишни янада кучайтирди. Бундан ташқари, у кооператив ҳаракатнинг сифат жиҳатдан янги босқичи учун, унинг иқтисодий ва социал турмуш турли соҳаларига кенг кириб келиши учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Аввало, қайта қуриш қулай ижтимоий иқлимни вужудга келтирди ва вужудга келтириб турибди, миллион-миллион кишиларнинг ташаббуси ва ижодкорлигини қулф урдириб юборди. Бу эса принципиал жиҳатдан муҳимдир, чунки кооперацияни «юқоридан» ўрнатиб бўлмайди. «Қуйидан» бўладиган ташаббус ва ижодгина дармонсиз, расмий кооперацияни эмас, балки гуркираб турган жонли кооперацияни бериши, уни чинакам оммавий кооперацияга айлантириши мумкин.

Кооператив ҳаракатини ривожлантириш — бир томондан, жамият демократиялашиб бораётганлигининг амалдаги натижаси, унинг хилма-хил шаклларидан бири бўлса, иккинчи томондан, умуман демократик жараённи чуқурлаштиришнинг, маъмуриятчиликка ва бюрократизмга қарши курашнинг муҳим воситасидир.

Дарҳақиқат, ўртоқлар, ошкоралик, сайлаб қўйиш, очиқ-ойдин ҳисобот бериш, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашларнинг қатнашуви — буларсиз кооперацияни асло тасаввур этиб бўлмайди. Кооперация ўзини-ўзи бошқарадиган ташкилот бўлгандагина амалда хўжалик юритишнинг самарали формасига айланади.

Кооператив ҳаракатни ривожлантириш билан туб иқтисодий ислоҳот ўртасида бевосита, узвий алоқа бор. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунда мустаҳкамланган янги иқтисодий механизм кооперациянинг фаолиятини ташкил этишда унинг қўлига ҳақиқатан ҳам олтин калитни берди. Ҳозир давлат ва кооператив корхоналарининг мутаносиб равишда айирбошлаши ҳамда самарали ҳамкорлик қилиши учун зарур шарт-шароитлар реал равишда яратилмоқда.

Биз кооператив ҳаракатни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қила туриб, ҳозирги тажрибани ҳам эътиборга оламиз. Бир йилнинг ўзидагина мамлакатда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва маиший хизмат тармоқларида иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш соҳасида 14 мингга яқин кооператив ташкил қилинди ва ишлай бошлади. Мамлакатимизда ҳозир 150 мингдан кўпроқ киши кооператив фаолияти билан шуғулланмоқда. Янги кооперативларнинг кўпи самарали ишламоқда, аҳоли ўртасида тобора манзур бўлиб бормоқда. Кооперативлар тайёрлаётган товарларнинг хиллари тез кўпаймоқда. Улар кўрсатаётган маиший хизмат ва ремонт-қурилиш хизматларига талаб-эҳтиёж ортиб бормоқда.

Кейинги вақтларда давлат корхоналари структурасида, асосан кам рентабелли ёки зарар кўраётган участкаларда ҳам кооператив формаларидан фойдаланадиган бўлиб қолишди. Шуни ҳам айтиш керакки, бунинг самараси жуда катта бўлмоқда. Хўжасизликни тугатиш, ишловчилар сонини камайтириш, меҳнатни оқилона ташкил этиш ва моддий бойликлардан яхши фойдаланиш ҳисобига бунда рентабеллик анча тез ўсмоқда.

Бироқ умуман кооперация ҳали эндигина кучайиб бормоқда. Унинг маҳсулоти товарлар ишлаб чиқариш, реализация қилиш ва хизмат кўрсатиш ҳажмларида озгина қисмни ташкил этади. Йирик саноат корхоналари ҳузурида кооперативлар жуда секинлик билан ва умуман олганда унча хоҳламай ташкил қилинмоқда.

Бунинг устига мамлакатнинг турли регионларида кооператив ҳаракат ниҳоятда нотекис ривожланмоқда. Москва областида кооперациянинг турли формаларини ташкил этиш ва ривожлантириш билан жиддий шуғулланмоқдалар. Савдо, медицина, таъминловчи-сотувчи кооперативлар, бўш вақтда дам олишни ташкил этувчи ҳамда бошқа кооператив коллективлар ишлай бошлади. Бугунги кунда Москва областида 1137 та коллектив иш олиб бормоқда, бу эса ўрта ҳисобда районга 27 тадан кооператив тўғри келишини билдиради. Болтиқбўйи республикаларида, Краснодар ва Ставрополь ўлкаларида, Саратов, Ивано-Франковск областлари ҳамда бошқа баъзи областларда кооперациялар жараёни актив давом этмоқда.

Аммо бошқа хил мисоллар ҳам бор. Ўрта Осиё республикаларида, Қозоғистон ва Озарбайжонда кооперативлар кўрсатаётган маиший хизматлар ҳажми ҳар бир аҳолига ҳисоблаганда, масалан, Эстониядагига қараганда салкам 20 баравар камдир. Архангельск, Тамбов, Тула областларида ва бошқа бир қанча жойларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи кооперативлар бармоқ билан санарли деса бўлади. Бу ерларда кооперативларнинг фаолияти учун нормал шарт-шароит яратилиши бир ёқда турсин, балки аксинча, ҳар хил ғовлар солиш ҳоллари тез-тез учраб турибди, қонунга хилоф равишда тақиқлаш ва чеклашлар жорий қилинмоқда. Аҳоли кооперативларнинг иши тўғрисида етарли хабардор қилинмаяпти, кўпинча эса бир томонлама тарзда хабардор қилинади.

Кооперацияни ривожлантиришга объектив равишда тўсқинлик қилаётган, унга бўлган ишончни путурдан кетказаётган баъзи салбий жиҳатлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Баъзан бу соҳага юлғичлар, ҳаттоки қаллоблар ҳам суқилиб кириб қолмоқдалар, уларнинг чайқовчилик муддаолари кооперациялаш ғоясининг ўзини обрўсизлантирмоқда. Кооперативлар ўзларининг камлигидан фойдаланиб, нархни жуда ошириб юбориш ҳисобига даромадларини кўпайтираётган ҳоллар мавжуд. Бу эса меҳнаткашларнинг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлмоқда.

Зарур бўлган жойларда қонунни қўлланиш керак, албатта. Бироқ муаммони маъмурий чоралар билангина ҳал этиб бўлмайди. Кооперативлар сонини кўпайтириш, соғлом рақобатчилик — асосий йўл бўлиб, бунга давлат корхоналари ҳам фаол қўшилишлари керак. Бу эса, ўз навбатида товарлар ва хизматлар бозорига ҳам, нарх-наво даражасига ҳам ижобий таъсир ўтказади.

Шуни эътироф этиш керакки, қонунлар ишлаб чиқилмаганлиги кооперацияни ривожлантиришга жиддий халақит бермоқда. Кооператив ҳаракатни тартибга солувчи амалдаги тарқоқ норматив ҳужжатлар кўпинча бир-бирига зиддир. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги кооперацияни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш бир ёқда турсин, балки уни ўстиришга тўсқинлик ҳам қилади. Шуни эътиборга олиб, янги ягона умумиттифоқ қонун акти — СССРда Кооперация тўғрисидаги Қонунни чиқариш зарур деб топилди, бу Қонун кооператив ҳаракатнинг соҳаси ва миқёсларини кескин равишда кенгайтиради.

Мазкур қонундан кузатилган мақсад — кооператив — колхоз мулкчилиги мустаҳкамланиши ва ривожлантирилишини таъминлашдан, кооператив демократиясининг ҳуқуқий ҳимоя механизмини вужудга келтиришдан, барча турдаги кооператив корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий асосларини яратишдан, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, давлат ва хўжалик органлари билан ўзаро ҳаракатини белгилашдан иборатдир.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси маъқуллаган Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига тақдим этилди. Сизлар ана шу лойиҳа билан таниша туриб, бу — новаторларча ҳужжат, бутун иқтисодий сиёсатни қатъиян олға силжитиш, жамиятимиз социал тараққиётига янги омил бағишлаш имконини берувчи қайта қуриш ҳужжати эканлигига ишонч ҳосил қила олдингиз.

Бу ҳужжатга ҳар томонлама баҳо бера туриб, шуни қайд этиб ўтиш керакки, Қонун лойиҳаси Лениннинг кооперация тўғрисидаги ғояларини ҳозирги замон билан бирлаштириши, уларни қайта қуриш концепцияси билан, жамиятимизда авж олиб кетган чуқур ўзгартишлар тажрибаси билан узвий равишда боғлаши лозим. Ҳужжат давлат корхонаси тўғрисидаги Қонуннинг моддалари ҳамда иқтисодий ислоҳотнинг бошқа норматив актлари билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар билан бирга замонавий хўжалик механизми ишлашининг ҳуқуқий негизини анча кенгайтиради.

Қонун лойиҳаси бир қанча масалалар юзасидан бу механизмни яна тубдан такомиллаштиради, бу эса бутун иқтисодий турмушга таъсир ўтказиши керак. Кооператив сектор мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексининг тенг ҳуқуқли таркибий қисми деб эътироф этилганлиги янги ҳужжатнинг асоси, ўзаги дейиш мумкин. Шу тариқа Лениннинг кооперация тўғрисидаги энг асосий принципи қайта тикланади.

Шунга мувофиқ кооперативларнинг амал қилиш соҳаси кенгайтирилмоқда, шу пайтгача мавжуд бўлган кераксиз чеклашлар бартараф этилмоқда. Мамлакатнинг барча гражданларига кооперативларга кириш ҳуқуқи берилмоқда. Ишчи ва хизматчилар учун кўзда тутилган барча социал шарт-шароитлар уларнинг аъзоларига ёйилмоқда. Кооперативларнинг фаолиятида хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи бошқариш принциплари янада ривожлантирилиши ҳам муҳимдир. Бу гап планлаштиришга ҳам, нарх белгилашга ҳам, ресурсларни тасарруф этишга ҳам, меҳнатга ҳақ тўлашга ҳам тааллуқлидир.

Шуни ҳам таъкидламоқчиманки, колхозларга бевосита дахлдор бўлган бир қанча янги принципиал қоидалар киритилмоқда. Уларнинг ёрдамчи фаолиятига жорий қилинган чеклашларни батамом олиб ташлаш асосли ҳисобланмоқда. Эндиликда колхозлар ўзларига бириктилган ернинг ва ўз асосий фондларининг бир қисмини бошқа корхоналарга ҳам, шунингдек айрим гражданларга ҳам ижарага беришлари, турли қишлоқ кооперативларини ташкил этишлари, ташқи иқтисодий операциялар билан шуғулланишлари мумкин. Шу билан бирга ёмон ишловчи кооперативларни тугатиш, уларни ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкинлиги ҳам кўзда тутилади.

Кўпгина социалистик мамлакатларда ҳам кооператив формалар такомиллаштирилаётганлигини қайд этиб ўтиш керак. Уларнинг тажрибасида кўпгина қизиқарли, эътиборга лойиқ нарсалар бор. Биз шу тажрибани диққат-эътибор билан ўрганиб чиқишимиз, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришимиз, барча нафли нарсалардан актив фойдаланишимиз керак деб ўйлайман.

Ўртоқлар! Кооперация тўғрисида гапирганда қуйидагиларни таъкидлашни истардим: кооператив ҳаракатни ривожлантириш — партиянинг демократияни кенгайтиришга, халқ хўжалигимизни соғломлаштиришга қаратилган стратегик йўлининг бевосита давоми, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва социал ўзгартишларнинг таркибий қисмидир.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳар қандай янги ишда бўлгани каби кооператив ҳаракатида ҳам бир талайгина қийинчиликлар ва мураккаб проблемаларга дуч келишимиз мумкин. Агар ишга зўр ғайрат ва қатъият билан киришсак, биз уларни енгиб ўтишимизга шубҳа қилмайман. Ҳозир хўжалик юритишнинг янги формасига нисбатан жамоатчилик фикрида, барча кадрларда бурилишга эришиш муҳимдир. Тафаккур ва хатти-ҳаракатдаги эскириб қолган бир қолипдаги услубларни қатъиян парчалаш, кооперацияга нисбатан қандайдир иккинчи даражали, унча муҳим бўлмаган нарса деб қарашни ўзгартириш керак.

Хўжалик юритишнинг ҳар қандай бошқа формаси каби кооперация ҳам давлатнинг таъсир доирасидан ташқарида қолмаслиги лозим. Бунинг учун ишончли иқтисодий воситалар — солиқ солиш, кредит сиёсати, кооперативлар билан шартномалар системаси, давлат буюртмалари орқали уларнинг фаолиятига таъсир ўтказиш каби воситалар мавжуд. Қайси масалага — хоҳ меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, социал таъминот, табиий муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига тааллуқли бўлмасин, амалдаги қонунлар кооперативларга ҳам тўла даражада татбиқ этилади, албатта.

Ҳозир қонунларга қатъий риоя этиш проблемаси ниҳоятда муҳимдир. Бусиз демократик жараён ҳам, иқтисодий ислоҳот ҳам олға силжимайди. Шуни рўй-рост эътироф этиш керакки, турли даражалардаги кўпгина раҳбарларда меҳнат коллективларининг ҳуқуқларига менсимай муносабатда бўлиш қон-қонига сингиб кетган дейиш мумкин. Улар ўз қарорларининг салбий оқибатлари учун маънавий жиҳатдан ҳам, айниқса моддий жиҳатдан ҳам жавобгар бўлмай, «ўзи хон, кўланкаси майдон» қабилида ҳаракат қилишга одатланиб қолишган.

Кейинги вақтларда эндигина кучга кирган давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга нисбатан ҳам тартиб-қоидаларнинг кўпдан-кўп бузилганлиги фактлари аниқланди. Шу муносабат билан Марказий Комитет Сиёсий бюроси бундай ишларга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида министрликлар ва идораларнинг раҳбарларини қаттиқ огоҳлантирди.

Ижтимоий турмушнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби экономикада ҳам қонунчиликка риоя этиш қайта қуришнинг қатъий талабидир. Барча давлат хўжалик органларининг ва жамоат ташкилотларининг, ҳамма даражалардаги раҳбарларнинг ҳаракатлари фақат қонун доирасидагина амалга оширилиши лозим.

Кооперацияга келганда шуни айтиш керакки, ўртоқлар, маъмуриятчилик қилиш унинг табиатининг ўзига ёт бир нарсадир. Буйруқбозлик билан муносабатда бўлиш, мажбурий разнарядкалар, ўйламай-нетмай тақиқлаб қўйишлар ишни чиппакка чиқариши ва чора-тадбирлар билан кўмиб ташлаши, пировард натижада эса уни бадном қилиши ёки ҳатто барбод этиши мумкин, холос.

Давлатнинг кооперативлар билан кооперация тўғрисидаги қонун асосидаги муносабатлари асосан халқ депутатлари маҳаллий Советлари орқали амалга оширилади. Маълумки, кооперативлардан ва уларнинг аъзоларидан олинадиган солиқлар маҳаллий бюджетларга қўшилади ҳамда мазкур регионнинг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш мақсадида уларнинг ресурсларини тўлдириб боради. Шу тариқа маҳаллий Советларда кооперацияни қўллаб-қувватлашдан манфаатдорлик ва айни вақтда унинг фаолиятига таъсир ўтказиш иқтисодий воситаси пайдо бўлади.

Давлат корхоналари билан кооперативлар ўртасидаги ўзаро манфаатли қалин иқтисодий муносабатларни дадилроқ ривожлантириш зарур. Бунда аралаш — давлат — кооператив ёки кооператив — давлат ташкилотлари пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Табиийки, бу муносабатлар тенг ҳуқуқлилик ва шерикларнинг рақобатлашуви принципига изчил риоя этилган тақдирдагина самарали бўлади.

Кооперация чегаралари чексиз эмас, албатта. Биз кооператив мулкчилигини давлат мулкчилиги билан тенг ҳуқуқли деб билиш билан бирга давлат умумхалқ мулкчилигининг етакчилик ролини тўла-тўкис таъкидлаймиз. Бу нарса унинг характерининг ўзидан ва у мамлакат экономикасида реал эгаллаб турган ўрнидан келиб чиқади.

Қонун қабул қилиниши билан кооперация ўз-ўзидан кенг кўламда ривожланиб, барча ғовларни стихияли равишда енгиб ўтишига умид боғлай олмаймиз, албатта. Бунда партия ва совет органларининг жуда катта эътибори, уларнинг ёрдами ва мадади зарур, чунки ҳали ҳеч қачон кооператив ҳаракатни ривожлантириш вазифаси шу қадар кенг миқёсларда ва шу қадар ғоят хилма-хил тарзда ўртага қўйилмаган эди. Шу боисдан ҳам, ўртоқлар, кооперацияга кўпроқ ишонч билдириш, унга кўпроқ ёрдам бериш талаби шу бўғинга нисбатан партиявий ёндашув бўлиб қолиши лозим.

Биз кооперацияни социалистик қурилиш қудратли воситалари қаторига узил-кесил киритишимиз керак. Кооперация жамиятимизда ҳақли равишда ўзига тегишли бўлган муносиб ўрнини олиши лозим.

### III.

Ўртоқлар! Биз қишлоқда кооперацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз керак, ҳозир қишлоқда мамлакат кооператив сектори корхоналари ва ташкилотларининг асосий қисми ишлаб турибди.

Бу ерда кооперациянинг имкониятлари ва талаб-эҳтиёжлари айниқса каттадир. Колхозлардагина эмас, давлат хўжаликларида ҳам шундай. Чунончи, барча соҳалар — ишлаб чиқаришда, техникавий хизмат кўрсатиш, таъминот, маҳсулотни сотиш ва қайта ишлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида унинг имкониятлари ва талаб-эҳтиёжлари жуда каттадир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти, унинг территориал жиҳатдан тарқоқлиги ҳам, шунингдек қишлоқдаги бутун турмуш тарзи ҳам шуни тақозо этади. Эндиликда бу ерда кооперацияни ривожлантиришга бўлган талаб кучайибгина қолмай, шу билан бирга айниқса янги иқтисодий муносабатлар — хўжалик ҳисоби, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг пудрат формалари қарор топаётганлигини эътиборга олганда бунинг учун имкониятлар ҳам кенгайди.

Қудратли ишлаб чиқариш — иқтисодий потенциали ва кадрлар потенциалига эга бўлган колхозлар мамлакатни озиқ-овқат ва хом ашё билан таъминлашда катта роль ўйнамоқда. Улар қишлоқ хўжалиги жамоат секторида етиштирилаётган маҳсулотнинг қарийб ярмини бермоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, колхозлар кооперация тўғрисидаги Қонун лойиҳасида кўзда тутилган ўзларининг янги ҳуқуқларидан фойдаланишлари уларни ривожлантиришга қудратли омил бағишлайди, фаолият соҳасини анча кенгайтиради. Эндиликда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан бир қаторда уларни қайта ишлаш билан кенг кўламда шуғулланиш, турли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, сотиш, корхоналар билан гражданларга ҳар хил хизматлар кўрсатиш мумкин бўлади. Бу эса колхозларга ердан ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишда, даромадларни ва меҳнат ҳақи даражасини оширишларида ёрдам беради. Энг муҳими эса мамлакат экономикасини мустаҳкамлайди, бутун совет халқи фаровонлигини ўстириш манбаларини бойитади.

Биз айниқса шунга умид боғламоқдаманки, кооперация мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашни тубдан яхшилаш каби кечиктириб бўлмайдиган ва энг асосий вазифани жадаллик билан ҳал этиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради. Кейинги йилларда аграр секторни ва у билан боғлиқ тармоқларни ривожлантириш, уларни бошқаришни такомиллаштириш борасида амалга оширилган катта-катта чора-тадбирлар қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашни олға силжитиш имконини берди. Бу — аҳоли таъминотини яхшилашда сезилди.

Марказий Комитетнинг февраль Пленумида сўзлаган нутқимда мен баъзи маълумотларни келтирган эдим. Ҳозир уларни тўлдирмоқчиман. Икки йил ичида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти умуман мамлакатда 9 процент кўпайди. Шу беш йилликда дон ҳосилининг ўсиши аввалги беш йилликдагига нисбатан ўртача бир йил ичида 30 миллион тоннани, гўшт етиштиришнинг ўсиши — 2,1 миллион тоннани, сутнинг ўсиши эса 8,2 миллион тоннани ташкил этди. Озиқ-овқат саноати ўз маҳсулотини тобора кўпроқ реализация қилмоқда. Натижада ўтган йили аҳоли жон бошига нон маҳсулотларини истеъмол қилиш 131 килограммни, гўшт — 63 килограммни, сут маҳсулотлари — 343 килограммни, тухум — 270 донани, қанд-шакар эса 46 килограммни ташкил этди. Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам аҳвол яхшиланмоқда. Зотан, одамларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши ошиб бормоқда.

Яхшилик томон силжиш бошланди. Бу бизни қувонтирмоқда. Аммо ҳали булар етарли эмас. Бу гап, аввало, чорвачилик маҳсулотларига, мева ва сабзавотларга тааллуқлидир. Беш йилликнинг қолган уч йили мобайнида гўшт етиштиришнинг эришилган йиллик ўртача даражасига 2,5 миллион тонна гўшт қўшиш, сабзавот ҳосилини 20 процентдан зиёд, мевалар ҳосилини эса салкам икки баравар ошириш керак. Сут етиштиришни, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ҳам тобора кўпайтириш лозим.

Дон муаммоси охиригача ҳал этилмай қолмоқда. Ҳатто товар дон етиштириладиган регионларда ҳам кўпгина хўжаликлар, районлар ва бутун-бутун областлар донни давлатга сотишга қараганда кўпроқ истеъмол қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам жойлардан емни давлат ресурсларидан ажратиб бериш тўғрисидаги илтимосномалар оқими тўхтамаяпти. Дондан оқилона фойдаланиш учун барча зарур моддий ва маънавий воситаларни ишга солиш керак, албатта. Аммо уни етиштиришни кўпайтирмай туриб, мамлакатнинг ўзини-ўзи озуқа билан таъминлаш, импортни камайтириш вазифасини ҳал этиб бўлмайди. Келинг, оддий ҳақиқатни уқиб олайлик: донни талаб қилиш эмас, балки етиштириш керак.

(Давоми учинчи бетда).

КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ IV СЪЕЗДИ

# М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1,- 2- ва 3-бетларда).

Биринчидан. Биз агросаноат комплекси барча бўғинларнинг хўжалик ҳисобига, ўз харажатларини ўзи қоплашга ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга, раҳбарликнинг иқтисодий методларига қатъий ўтишини ҳамма жойда амалга оширишимиз керак. Ресурсларни яхши ҳисоблашни ва улардан оқилона фойдаланишни ўрганиб олиш лозим. Даромаднинг барча турлари фақат ишлаб топилган бўлиши керак. Бу йўналишдаги асосий омиллар — пудрат ва кооперациядир. Даладан то дўконгача бўлган бутун цикл бўйича чуқур кооперативлаштириш ва интеграцияни амалга ошириш лозим.

Иккинчидан. Давлат инвестициясининг агросаноат комплексидаги устун йўналишларини қайта қуриш зарур. Ҳозирги босқичда ишлаб чиқаришнинг ўзи эмас, балки ишлаб чиқариш ва социал инфраструктура тобора кўпроқ харажатларнинг етакчи объектига айланиши лозим. Кўпгина мамлакатларда бир неча ўн йиллардан бери «исрофгарчиликларни тугатиш инвестицияси» йўли ўтказилаётир. Бу мамлакатларда пировард маҳсулот ресурсларини кўпайтиришга маблағ сарфлашни иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ деб ҳисобламоқдалар. Йўллар ва транспорт, омборлар ҳамда идиш ва қоп-қанорлар, қайта ишлаш ва савдо, истеъмолни рационализациялаш харажат сарфланадиган етакчи соҳалар бўлиб қолиши керак. Уй-жой, социал-маданий объектларга, маориф ва малакани ошириш системаларини ривожлантиришга ҳар қанча маблағ сарфласа зарар кўрилмайди.

Қишлоқда турмуш укладини янгилаш қишлоқ аҳолиси эҳтиёжларини қондирувчи хизмат соҳаларини кенгайтириш билан ҳам боғлиқдир.

Қишлоқ аҳолиси бинокорлик материаллари топиш, уй қуриш ёки ремонт қилиш, деворини тиклаб олиш, ем-хашак ёки ёқилғи тайёрлаш ва ташиб келтириш, томорқасини чопиқ қилиш ва ишлаш учун қанчадан-қанча куч сарфлашига тўғри келаётганлигини ҳаммангиз биласизлар. Ҳозир қишлоқда рўзғор техникаси кўпайиб қолди, лекин амалда бу техникага хизмат кўрсатадиган одам йўқ. Пойабзал ремонт қилиш, кийим тиктириш имкониятлари чекланган. Кекса одамларга, инвалидларга, айниқса, оғир бўлаётир. Булар майда-чуйда гаплар эмас, ўртоқлар. Гап катта давлат аҳамиятига эга бўлган масала ҳақида бораётир. Ҳозир қишлоқларда юз миллионга яқин киши яшамоқда. Одамларда пул бор, иш ҳақи ҳам ёмон эмас. Одамлар хизмат учун ҳақ тўлай оладилар ва тўлашга тайёрлар. Аммо, кимга ва қаерга тўлашни билмайдилар.

Хизматларни ривожлантиришнинг ташкилий формаларига келганда, улар жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Бундай хизматларни аввало колхозлар, совхозлар, қишлоқдаги бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг ўзлари барпо этишлари керак. Аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш бўйича турли кооперативлар худди шу соҳада омилкорликларини намоён қилишлари мумкин. Бу соҳада улар учун жуда кенг фаолият майдони очилади. Бунинг устига пудратга ўтиш бўшатиб берган одамларни бу соҳага жалб этиш мумкин.

Социал тартибдаги бошқа кўпгина масалаларни, хусусан колхозчиларнинг пенсия таъминоти масаласини ҳал этиш зарурати етилди. Сизларга маълумки, бундан олдинги йилларда колхозчиларнинг пенсиялари даражаларини ишчи ва хизматчилар пенсияларига яқинлаштириш юзасидан баъзи қадамлар қўйилди. Бироқ жиддий фарқлар ҳам ҳали сақланиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда ана шу проблемани ҳам адолатли ҳал этишни ҳисобга олган ҳолда пенсиялар ҳақида янги қонун ишлаб чиқилаётир.

Россия Ноқоратупроқ зонасини, мамлакат ҳаётида ғоят катта сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳамиятга эга бўлган ана шу жуда катта регион қиёфасини ўзгартириш проблемасига сизларнинг эътиборингизни алоҳида жалб этмоқчиман. Сизларга маълумки, кейинги йилларда Ноқоратупроқ зонадаги қишлоқлар ҳаётини қайта тиклаш учун кўпгина куч-ғайрат сарфланди. Натижада муайян ижобий силжишлар рўй берди. Агросаноат комплексининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Уй-жойлар, медицина ва болалар муассасалари, маданий-маиший объектлар кўпроқ қурила бошланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш барқарор тус олди. Ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планлари бажарила бошланди. Аммо ҳозирча туб бурилиш рўй бергани йўқ.

Шу йил февраль ойида Марказий Комитет Сиёсий бюроси Ноқоратупроқ зонани ривожлантириш юзасидан илгари қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлигини батафсил таҳлил қилди. Марказий ва республика министрликлари, идоралари, маҳаллий органлар бу ердаги қишлоқларнинг ишлаб чиқариш ва социал проблемаларини сусткашлик билан ҳал этаётганликлари учун танқид қилиндилар. Марказий Комитет ва ҳукумат тегишли министрликлар ва идораларга, илмий муассасаларга РСФСР Ноқоратупроқ зонасини социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 1988-1995 йилларга мўлжалланган комплекс программасини ишлаб чиқишни топширди. Бунда йўлсизликни тугатишга алоҳида эътибор берилади. Яқин саккиз йил ичида бу ерда умумий фойдаланиш учун ҳам, ички хўжалик фойдаланиши учун ҳам мўлжалланган 170-200 минг километр автомобиль йўли қурилади ва реконструкция қилинади.

Россия Ноқоратупроқ зонасининг проблемалари барча совет кишиларини ҳаяжонлантираётир, ўртоқлар. Бунинг сабаби у Россия диёрининг қалби эканлигигина эмас. Шуни унутмаслик кераккки, бу ерда яшовчи кишилар энг оғир йилларда мамлакатнинг бошқа районлари билан имкони бўлган ҳамма нарсаларни қардошларча баҳам кўрдилар, кўпгина республикаларимизнинг иқтисодий ва маданий ривожига жуда катта ҳисса қўшдилар.

Ўртоқлар! Матлубот кооперациясини ривожлантириш истиқболига ҳам янги позициялардан баҳо бериш керак. Бу соҳада анча катта иқтисодий потенциал яратилган. Матлубот кооперацияси яхлит халқ хўжалик комплексининг ажралмас қисми, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг муҳим бўғини бўлиб қолди. Ҳозир у 60 миллионга яқин қишлоқ аҳолисини бирлаштириб, мамлакат аҳолисининг 40 процентдан кўпроғига хизмат кўрсатаётир. Ҳозир мамлакат чакана товар оборотининг чорак қисмидан кўпроғи, давлат йўли билан тайёрланадиган картошканинг деярли ярми, харид қилинадиган сабзавот, мева, ёпиладиган ноннинг учдан бир қисми унинг ҳиссасига тўғри келади.

Аммо бу йирик потенциал унча тўла куч билан ишламаётир. Центросоюз ва унинг ташкилотлари ишида ўз-ўзини бошқариш, ташаббус ва омилкорлик сингари муҳим кооператив негизлари аслида барҳам топди. Кооперация амалда бюрократлашиб кетди. Буни рўй-рост ва тўппа-тўғри гапириш керак. Кўпчилик районларда қишлоқ матлубот жамиятлари тугатилди. Бу жамиятларнинг аъзолари амалда ўз ташкилотлари фаолиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайдилар. Матлубот кооперациясининг қишлоқдаги социал-иқтисодий вазифаларни, озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга қўшаётган ҳиссаси унинг имкониятларига мувофиқ бўлмаётир. Масалан, одамлар ўзлари етиштирган маҳсулотларни кооперацияга сотиш учун тармоқлари ниҳоятда етарли бўлмаган тайёрлов пунктларига ўзлари олиб боришлари керак.

Умуман ақлбовар қилмайдиган иш бўляпти: қишлоқ кооперацияси қишлоқ аҳолисининг социал ижодкорлиги билан вужудга келган, лекин улардан ажралиб қолди. Кооперация ходимлари ўзларини қишлоқдаги деярли асосий кишилар деб ҳисоблайдилар, одамлар уларнинг атрофида гирди-капалак бўлиб ҳамиша айтганларини қилишларини истайдилар. Бу ярамас аҳвол! Ҳаммаси аксинча бўлиши керак. Ҳаммасини ўз жойига қўйиш лозим. Қишлоқ матлубот кооперациясининг хўжайинлари қишлоқ меҳнатчиларининг ўзларидир. Мана хўжайин ким! Ҳозир буни унутиб қўйиб фақат бошлиқларга қандай қилиб яхшироқ хизмат қилишни ўйлайдиганларни эса матлубот кооперациясидан қувлаб чиқариш керак. Зотан етиштирилган маҳсулотни сотишда катта қийинчиликларга дуч келаётганлиги, маҳсулотни қабул қилишдан бош тортилаётганлиги хусусида аҳолидан шикоятлар тушаётгани тасодифий эмас, ўртоқлар. Кўпгина регионларда, қишлоқларда савдо яхши ташкил этилмаган, аҳолини ҳатто энг зарур товарлар билан таъминлашда ҳам узилишларга йўл қўйилаётир.

Матлубот кооперацияси фаолиятини тубдан қайта қуриш зарурати аллақачоноқ етилган. Бугун биз, аслида, уни чинакам кооператив демократик негизда қайта тиклаш ҳақида гапиришимиз керак. Кооперация тўғрисидаги Қонун бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратади. Бинобарин, матлубот кооперациясини бутун чоралар билан ривожлантириш учун янги кенг имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалик фанимизнинг вазифалари ҳақида бироз тўхталиб ўтмоқчиман. Ўз-ўзидан маълумки, бошқаришнинг маъмурий системасини фан соҳасига татбиқ этиш мумкин эмас эди, бу система илм-фанга етарли баҳо бермади, баъзан эса уни мутлақо тан олмади. Ҳозир аҳвол тубдан ўзгараётир, бинобарин, ҳар қандай қароримиз илмий асоссиз бўлиши мумкин эмас. Ишлаб чиқаришнинг ўзи интенсивлашиб борган сари фан ютуқларидан тобора кўпроқ фойдаланадиган бўлиб қолмоқда, кооперация эса тобора кўпроқ хилма-хил формаларни касб этмоқда. Бизда эҳтиёжнинг ўсиши билан бир қаторда имкониятлар ҳам кўпайди. Ҳозир агросаноат комплекси илмий муассасаларнинг кенг шохобчаларига эга.

Аммо аграр фани ва айниқса, иқтисодий фан практика талабларидан жиддий орқада қолмоқда. Бу гап назарий тадқиқотларга ҳам амалий ечимларга ҳам тааллуқлидир. Ҳозир фан олдида тадқиқотларнинг назарий даражасини жиддий ошириш ва ишлаб чиқариш билан мустаҳкам боғланишдан иборат бир-бири билан боғлиқ иккита вазифа турибди. Бизга кооперациянинг замонавий назарияси, меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчилик ва ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан эгасизлик сингари иллатларни бартараф этишнинг самарали методлари жуда зарур бўлиб қолди. Ижтимоий ва шахсий, майда ва йирик ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбатлар сингари масалалар, интенсивлаштириш ва экология, технология ва экономика масалалари тезда асослаб берилиши керак. Кооперация доирасида манфаатлар механизмини, иқтисодий ва социал мақсадлар ўртасидаги, фанни инсонийлаштириш ва иқтисодийлаштириш ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш проблемаларини ва бошқа муаммоларни активроқ ишлаб чиқиш керак.

Ўтган йил июль ойида партия Марказий Комитети билан ҳукумат аграр фанни ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Аммо бу ҳужжатда баён қилинган тадбирлар ҳамон сусткашлик билан амалга оширилаётир. Илмий таъминот марказларини ташкил этиш, куч ва воситаларни устун йўналишларга жамлаш, фан соҳасига истеъдодли ёшларни жалб қилиш, илмий муассасаларни хўжалик ҳисобига ва ўз харажатларини ўзи қоплашга изчил равишда ўтказиш билан боғлиқ барча масалаларнинг ҳал этилишини тезлаштиришимиз керак. Мамлакатда ҳамма ўзи пул ишлаб топиши, пул сўраб банкка бормаслиги лозим.

Ўртоқлар! Сизларнинг съездингиз СССРда Кооперация тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва колхознинг намунавий Устави лойиҳасини муҳокама қилади. Ана шу ҳужжатларнинг қоидалари қайта қуришнинг моҳиятини акс эттириши, мамлакатда кооператив ҳаракатини янада ривожлантиришга хизмат қилиши ғоят муҳимдир. Колхоз ички қурилишини такомиллаштириш юзасидан кўпгина таклифлар айтилди. Ўйлайманки, бу ерда, съездда ҳам кўпгина амалий мулоҳазалар айтилади. Колхозлар Иттифоқ кенгашининг раиси Иван Иванович Кухарь докладида Уставга киритиладиган ўзгартишлар ҳақида батафсил гапирилади. Мен сизларнинг эътиборингизни айрим масалаларгагина жалб қилиб ўтмоқчиман.

Аввало колхоз демократияси ҳақида. Биз бу демократияни чуқурлаштириб, бу билан умуман қайта қуришни мустаҳкамлаймиз. Демак, колхоз ички турмушини янада демократиялаштириш масаласини ҳам ана шу нуқтаи назардан кўриб чиқиш керак бўлади.

Нима учун бу ҳақда гапиришга тўғри келаётир? Чунки маъмуриятчилик ва четдан аралашавериш натижасида колхоз демократик моҳиятининг асосларига путур етган эди. Энг муҳим туйғу — хўжайинлик туйғуси, деҳқоннинг колхоз ишлари ҳақида ғамхўрлик қилиш туйғусига путур етган эди. Колхоз ишлари муҳокама қилинадиган, раис сайланадиган йиғилишларга бефарқлик шундан далолат бермайдими, ахир? Хўжаликларнинг учдан бир қисмида ана шу йиғилишларни ўтказиш юзасидан Уставда белгиланган муддатларга риоя қилинмайди. Хўжаликлар раҳбарлари ҳам коллектив олдида ҳисобот бериб туриш кераклигини унутиб қўйиб, колхозчиларнинг фикрлари билан ҳисоблашмасдан иш кўрадиган бўлиб қолдилар.

Бу эса энди колхоз эмас, ўртоқлар. Ўзлари бошчилик қилаётган одамларни бахтли қилдик, деб ўйлаётган раҳбарлар оғир аҳволга тушиб қолишлари мумкин. Аксинча, мамлакатимиздаги кооператив ҳаракатининг бутун тарихи истеъдодли раҳбарлар одамларнинг ташаббускорлигига таяниб колхозларни ривожлантиришда, социал иқтисодий вазифаларни ҳал этишда катта мақсадларга эришганликларини кўрсатиб турибди. Халқдан ажралиб қолган киши озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни таъминлай олмайди. Иш учун жон куйдирадиган, одамларга яқин бўлган ва колхоз ёки совхоз ҳамиша олға бориши учун фидойилик билан меҳнат қиладиган раҳбарни одамлар қўллаб-қувватлайдилар, лаббай, деб жавоб берадилар, ҳамиша тушунадилар ва ҳатто кечирадилар ҳам.

Кооперация тўғрисидаги Қонун лойиҳасида хўжаликни юритишнинг иқтисодий асосларига негиз бўладиган кўпгина принципиал янги қоидалар бор. Буни ҳам Уставда пухта мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Хуллас бошқариш органлари ишлаб чиқариш ва харид қилиш структурасига маъмурий йўл билан эмас, балки иқтисодий воситалар системаси орқали таъсир кўрсатишлари керак. Шу сабабли тегишли маҳсулотларни харид қилиш бўйича давлат буюртмаси шартнома асосида ҳамда колхозлар матлубот кооперацияси, бозор билан янада яқиндан ҳамжиҳатлик қилишлари, саноат корхоналари билан бевосита алоқаларини кенгайтиришлари кераклигини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади. Бу эса уларнинг демократик табиатига, кооперация принципларига ва бошқаришнинг иқтисодий методларига мос бўлиб тушади.

Ўртоқлар, кооперация тўғрисидаги Қонун ва колхоз Устави колхозларнинг мустақиллигини гарантиялайдиган ҳуқуқий негизлар бериши керак. Лекин ҳуқуқий актлар — ҳали гарантияларнинг ўзи эмас, балки фақат шарт-шароитларгина холос. Маъмуриятчилик ва колхозлар ҳуқуқларининг ортиқча чеклаб қўйилишига уларнинг мустақиллигини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий ҳужжатлар умуман йўқлиги сабаб бўлгани йўқ, албатта. Бундай ҳужжатлар бор эди, лекин улар доимо бузилиб келди. Ҳаёт шундан далолат берадики, яхши қонунлар ва уставларнинг бўлиши кифоя эмас, уларга риоя қилишни ўрганиш керак. Бу эса ҳозир энг муҳимдир, ўртоқлар, — фақат ишлаб чиқариш, колхоз демократияси соҳасида муҳим бўлиб қолмай, бутун мамлакат учун ҳам муҳимдир.

Ўртоқлар! Ўз нутқимни тугаллар эканман, ҳозирги пайтнинг муҳимлиги ва масъулиятли эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз қайта қуриш соҳасида жуда катта ишни, кооперацияни бутун чоралар билан ривожлантириш ишини бошладикки, бу иш социализмни янгилаш билан чамбарчас боғлиқдир. Аммо бу иш ҳар қанча муҳим, ҳар қанча принципиал бўлса-да, қуруқ мақсад эмас. Бу иш энг асосий нарса — инсон бахт-саодати йўлида, халқ турмушининг барча моддий ва маънавий жиҳатларини — меҳнат шароитини, овқатланишни, турмушни, дам олиш ва маданиятни, инсон ҳаётини тўлақонли, завқли, тўкис қиладиган ҳамма нарсаларни яхшилаш йўлида олиб борилаётир.

Биз демократиялаш ва ошкораликни, иқтисодий ислоҳотни, халқ ижодиётини авж олдиришни, ҳар бир жўшқин ташаббусни, тузумимизнинг чексиз имкониятларини, унинг тамомила инсон манфаатларига бўйсундирилганлигини очиб бериш учун қудратли омиллар деб биламиз.

Ҳа, биз бугун кўп нарсаларга янгитдан баҳо беришимиз, кўп нарсалар ҳақида қайта мулоҳаза юритишимиз, ҳаётимизга тўсқинлик қилаётган ва ҳаётимиз мазмунига путур етказаётган ҳамма нарсалардан воз кечишимиз керак. Аммо бу социализмдан, унинг идеаллари ва принципларидан воз кечиш эмас, балки уларни босиб қолган зангдан тозалашдан иборатдир. Биз социалистик принциплар пок, мусаффо бўлган тақдирдагина жозибали бўлишини биламиз. Биз буни унутишга ҳаққимиз йўқ. Шу сабабли бюрократизм ва маъмуриятчиликни, социал лоқайдлик ва қарамликни қатъият билан бартараф этиш, ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган ҳамма нарсаларни йўлдан олиб ташлаш, инсон ташаббусини, ҳар бир новаторона фикрни, ҳар бир дадил ечимни улуғлаш биз учун шу қадар муҳимдир.

Биз социалистик жамиятнинг ленинча қиёфасини — энг инсоний ва энг адолатли жамият қиёфасини қайта тиклай оламиз ва тиклашимиз шарт. Биз қайта қуришнинг революцион принципларига: кўпроқ ошкоралик, кўпроқ демократия, кўпроқ социализм бўлсин деган принципларга қатъият билан ва оғишмай амал қилаверамиз.

Партия ва халқ янада зўр ғайрат билан ўтказадиган йўлнинг ғоят катта кучи ана шунда ўртоқлар.

**(Нутқ зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).**

# М. С. ГОРБАЧЕВ

## Х. М. САНГИНЕТТИ БИЛАН УЧРАШДИ

М. С. Горбачев 22 март куни Кремлда Уругвай президенти Хулио Мариа Сангинетти билан учрашди. Бу — ҳозир бутун дунёни қизиқтираётган муаммолар тўғрисида масъулият билан ва кенг миқёсда ўйлаётган икки давлат арбобининг фикрларга бой, расм-русумлардан холи суҳбати бўлди. Улар фикрларнинг яқинлиги ва ҳатто бир-бирига ўхшашлигини таъкидлашдан иймонишмади, чунки ўз мамлакатлари тарихининг, географик ҳолатининг хусусиятларини, бошқа давлатлар билан алоқаларини, ўз халқлари ва халқаро ҳамжамият олдидаги масъулиятни тўла англаган ҳолда ўз мамлакатларининг баб-баравар намояндалари эдилар. Масалаларнинг ўртага қўйилиши ва суҳбатда уларга ёндашувнинг ўзи ғоят хилма-хил жамиятларда содир бўлаётган бир-бирига ўхшаш жараёнларни келтириб чиқараётган ҳозирги дунёнинг объектив равишда ўзаро боғлиқ эканлигини яққол ифода этиши мумкин. Чунки ана шу жараёнларда эски аср охири ва янги аср бошларида жаҳондаги ўзгаришларнинг характери, цивилизация тараққиётининг жаҳоншумул омиллари акс этмоқда.

Суҳбатдошлар СССРдаги қайта қуришнинг ва Лотин Америкасидаги, Уругвайдаги демократик ўзгаришларнинг халқаро аҳамияти нуқтаи назаридан ўз мамлакатларининг ички проблемалари тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. М. С. Горбачев президентнинг илтимосига кўра қайта қуриш концепцияси ва сиёсати қандай шаклланганлиги, қандай сабабларга кўра социализм принципларидан чекиниш содир бўлганлиги уни ривожлантиришга тўсқинлик қилган ҳолатлар қандай юзага келганлиги, шахсга сиғиниш ва турғунлик даври иқтисодий механизмга, социал муносабатларга, маънавий соҳага, одамларнинг психологиясига қандай таъсир қилганлиги, бунинг натижасида жамият ривожланмай қола бошлаганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Қайта қуриш мантиқи одамларни қўзғатиш, уларни лоқайдликдан, социал пассивликдан холи қилиш ва мамлакат бутун турмушини сифат жиҳатидан янгилаш йўлларини излаб топишга жалб қилиш учун ўткир танқид ва ўз-ўзини танқидни тақозо этди. Ошкоралик ўз тарихимизни ҳаққоний ўзлаштириб, жамиятнинг ҳозирги аҳволини у амалда қандай бўлса шундай ҳолда кўришимизга, сабоқ чиқариб олишимизга, хатоларни такрорламаслигимизга ҳамда юқоридан қуйигача демократиялаш асосида реалистик сиёсат олиб боришимизга имкон беради. Демократиялашга универсал тус бермай, ошкораликни бутун чоралар билан авж олдирмай туриб, жамият доимо актив ҳолатда, жўшқин ривожланиб боришига эришиш мумкин эмас, бошланган ишнинг муқаррарлигини таъминлаб бўлмайди. Бу осон бўлмади, ғоявий олишувларни ниҳоятда кучайтириб юборди, бундай олишувлар ҳали ҳам босилгани йўқ, чунки одамлар фавқулодда, экстремал вазиятларда юзага келган нарсалар нима учун нормал шароитларда ҳам сақланиб қолганлигини, меҳнаткашлар давлати унинг ўзи вужудга келтирган омманинг маълумот ва демократик потенциалидан нима учун узоқ вақт мобайнида тегишлича фойдаланмаганлигини охиригача аниқлаб олишни истамоқдалар.

Мана шуларнинг ҳаммасини идрок этиш бутун бир чора-тадбирлар ва принципиал қарорлар системасини ишлаб чиқиш имконини бердики, булар кенг қамровли қайта қуриш асосини ташкил этди. Ҳали ҳамма нарса ҳам пишиқтирилган эмас. Масалан, XIX партия конференциясида сиёсий устқурмани чуқур реконструкция қилиш билан шуғулланиш лозим бўлади.

Қайта қуриш ғоялари жамиятни бошланган ҳамда олдинда турган шу қадар янги ва кенг миқёсли ишлар билан кўмиб ташладики, бунда айни шунга мос ижтимоий онгни шакллантириш муаммоси жуда ўткир бўлиб қолди. Ҳамма нарсани бирданига ҳал этишга интилишдек экстремизм ҳам, қийинчиликлар тазйиқи остида ва қаршилик кўрсатиб, жараёнларни секинлаштириш, ҳатто тўхтатиб қўйиш йўлидаги уринишлар ҳам номақбул эканлигини англаб етиш ижтимоий онгнинг энг муҳим қисми бўлиб қолиши керак. Қайта қуриш жараёнларининг барқарорлигини таъминлайдиган энг мақбул суръатларни топиш — сиёсий тажриба ҳамда назарий имкониятларга эга бўлган партиянинг вазифаси ва ғоят катта масъулиятидир.

Биз «орзу-умидлар революциясини» юзага келтирдик ва совет гражданларининг позициясида революцион бурилишни таъминлашимиз лозим. Шундай қилинмаса, умидлар шунчаки орзу бўлиб қолаверади. Энди ҳеч ким орқага буриб юборишга муваффақ бўла олмайди. Аммо бу осон бўлади, деган маънони билдирмайди. Олдинда катта қийинчиликлар турибди. Сиёсат миллионлаб кишиларга бориб етди. Бошқача қилиб айтганда, чинакам катта сиёсат бошланди. Ҳозирги раҳбарият танлаб олинган йўлга содиқдир ва ҳамма иш ўйлаб қўйилганидек бориши учун кучини аямайди.

Х. М. Сангинетти Совет Иттифоқи дуч келган муаммолар хусусида интернационал тажриба ва Уругвай тажрибасини мисол қилиб келтириб, бир қанча мароқли фикр-мулоҳазаларни билдирди. Совет Иттифоқида рўй бераётган жараён нима учун Уругвайдагиларни ҳам, бошқа мамлакатлардагиларни ҳам жуда қизиқтираётганлигини тушунтириб, Совет жамияти қанчалик барқарор бўлса, демак Совет—Америка муносабатлари ва халқаро муносабатларда ҳам аҳвол шунчалик қулай бўлади, деди. Қуролсизланиш, капитал маблағни ҳарбий соҳадан граждан соҳасига ўтказиш истиқболи ва пировард натижада жаҳон савдосидаги, дунё экономикасидаги бутун вазиятнинг яхшиланиши ҳам шунга боғлиқ.

М. С. Горбачев Вашингтонга қилган визити таассуротларини гапириб, менинг фикримча, Қўшма Штатларнинг жамоат ва сиёсат доиралари СССР билан муносабатларни яхшилаш зарурлигини англамоқдалар деди. Совет Иттифоқи ҳам Қўшма Штатларнинг жаҳондаги реал ролини, унинг бошқа мамлакатлар билан алоқаларини, жаҳон ҳамжамиятига дахлдор масалаларда СССР ва АҚШ ҳамкорлигининг аҳамиятини эътиборга олиб, бундан буён ҳам амалий равишда ҳаракат қила беради.

М. С. Горбачев Марказий Америкадаги аҳволни бартараф этишга нисбатан СССРнинг позициясини яна баён этиб берди: қандай қилиб Никарагуа Қўшма Штатларга ва умуман Ғарбий Ярим шарга таҳдид қила олишини ҳеч қачон тушуна олмаймиз. Гўё можаронинг сабабларида ва уни бартараф этишга тўсқинлик қилишда «Москванинг қўли» бор деган бемаъни тасаввурга ҳеч қачон қўшилмаймиз. Мазкур регионга нисбатан СССРнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий режалари йўқ, Никарагуа раҳбарияти билан муносабатларимизда ҳатто бу мавзу ҳеч қачон пайдо ҳам бўлмаган. Бунинг бизга нима ҳожати бор? Қўшма Штатларни ёки Лотин Америкасидаги бошқа биронтасини ножўя иш қилишга ундаш учунми? Биз авантюрачилар эмасмиз. Ниҳоят, суверен давлатга ўзи мақбул кўрмаётган бошқариш системасини тиқиштириш сиёсатини тушуниш ва унга қўшилиш мумкин эмас.

М. С. Горбачев контадора жараёни билан Гватемала битимини қатъиян қўллаб-қувватлаётганлигини таъкидлади, Лотин Америкаликларнинг ўзлари ишларини тартибга солиб, бир қарорга келадилар, деб ишонч билдирди. У Вашингтондаги учрашув вақтида президент Рейганга қилган таклифлари тўғрисида Ҳ. М. Сангинеттига ахборот берди. СССР ҳеч қачон Сальвадор ва Гватемала қўзғолончиларига ҳеч қандай қурол етказиб бермаганлигини таъкидлади.

Суҳбатда қуролсизланиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги музокараларга оид масалалар ҳам интернационал манфаатдорлик позициясидан тилга олинди. Биз бу масалаларга ялпи хавфсизликни таъминлаш позициясидан ҳам, дунёдаги иқтисодий аҳволни нормаллаштириш позициясидан ҳам, «ривожланиш учун қуролсизланиш» концепцияси руҳида ёндашмоқдамиз, деди М. С. Горбачев. У СССР ҳам, АҚШ ҳам ўртача ва камроқ олислик ракеталари тўғрисидаги шартномани имзолайди, деб ишонч билдирди. Шу кунларда Э. А. Шеварднадзе Вашингтонда олиб бораётган музокаралар президент Рейганнинг Москвага келишига қадар стратегик ҳужум қуролларига доир шартномани тайёрлаш учун реал имконият бор-йўқлигини, Афғонистон теварагидаги, Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш масалалари, бошқа энг муҳим масалалар юзасидан аҳдлашиб олишга муваффақ бўлиш-бўлмаслигини кўрсатади. Ҳар ҳолда биз бунинг тарафдоримиз. Шу йилнинг ўзидаёқ химиявий қуролни тақиқлаш ва тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни тузиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Европада оддий қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтиришга алоҳида аҳамият беряпмиз, НАТОнинг кейинги сессиясида намоён бўлган салбий жиҳатларга қарамай, бунда ҳам мўлжалланаётган имкониятларни кўриб турибмиз. Улар Брюсселда СССРнинг ташаббускор сиёсатини қандай қилиб тўхтатиш тўғрисида кўпроқ ўйладилар. Агар улар ўзларининг қизиқарли таклифлари билан шундай қилишни истаганларида, биз буни фақат табриклаган бўлур эдик. Аммо ҳозирча бошқа бир нарсани реал қуролсизланиш йўлларини излашга тўсқинлик қилишга уринишларини кўряпмиз.

Дунё ўзгариб кетди ва шундай ўзгариб бормоқдаки, интернационал муҳитни соғломлаштиришга бўлган эҳтиёж тобора кўпроқ заруратга айланиб қолмоқда. Халқлар кескинликка, қуролланиш пойгасига, иқтисодий мушкулликларга тоқат қилишни истамаяптилар. Ана шу кайфиятларни пайқаб олиб, тегишли хатти-ҳаракатларда акс эттириш сиёсатчиларнинг вазифасидир. Жаҳондаги ўзаро алоқаларда ижобий жиҳатлар кўпаймоқда. Турли ҳаракатлар ва мамлакатлар мана шу ижобийликни ошириш учун коллектив равишда ва ҳар бири алоҳида кўп иш қилишлари мумкин. Биз қўшилмаслик ҳаракатининг мустақил ҳиссасига айниқса катта умид боғлаймиз. Совет—Америка муносабатлари қанчалик муҳим бўлмасин, жаҳон сиёсатини фақат шундангина иборат қилиб қўйиш мумкин эмас.

Пировардида М. С. Горбачев Уругвай президентининг СССРга қилган визити якунларидан совет раҳбариятининг умумий мамнуниятини изҳор этди. Олий даражадаги мулоқот бошланди, бу эса ўзаро манфаатлар ва ташвишларни эътиборга олиб, муносабатларни яхшироқ ўрнатишга ҳамда баб-баравар ҳаракат қилиб, халқаро сиёсатдаги соғлом тенденцияларни мустаҳкамлашга имкон беради. Президент Сангинетти бўлиб ўтган учрашувни ҳозирги дунёда турли мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги алоқалар чамбарчас бўлиб қолган шароитда ҳар қандай масалалар хусусидаги сиёсий суҳбатни қандай олиб бориш мумкин ва лозимлигининг намунаси, деб баҳолади.

(ТАСС).

## ВИЗИТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

22 март куни Х. М. Сангинетти Қрим тепалигидаги виставка залида Уругвай рассомлари кўргазмаси очилиши маросимида қатнашди. Президент Третьяков давлат галереясига совға сифатида асарлари шу кўргазмага қўйилган рассом Хосе Гурвичнинг ҳайкалини ҳадя этди.

* * *

Меҳмон Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

* * *

Кечқурун Х. М. Сангинетти ва унинг рафиқаси ССР Иттифоқи Большой театрида балет кечасида ҳозир бўлдилар.

Бу ерда меҳмонлар билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико рафиқаси билан, бошқа расмий кишилар ҳам бўлдилар.

(ТАСС).

## Бахтиёр болалик учун

Нукусда В. И. Ленин номидаги Совет Болалар фонди Қорақалпоғистон бўлимининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Автоном республика Болалар фонди бўлимининг правлениеси сайланди. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. А. Аннақличева правление раиси бўлди.

Конференцияда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

## РАКЕТАЛАР ҚАНДАЙ ТУГАТИЛАДИ

ОЛМАОТА, 21 март. (ТАСС мухбири). Қизил Байроқ орденли Ўрта Осиё ҳарбий округининг қўмондонлиги бугун уюштирган матбуот конференциясига журналистлар, ёзувчилар, бошқа ижодий союзларнинг вакиллари таклиф қилиндилар. Матбуот конференциясида ҳарбий кенгаш аъзоси — округ сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-майор Г. И. Чучкалов сўзга чиқди. У ГДР ва ЧССР территориясидаги жанговар навбатчиликдан олинган оператив-тактик ракеталар ортилган темир йўл составлари Сариўзак станциясига келганлигини эслатиб, ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир шартнома ратификация қилингандан кейин мана шу ракеталар қандай йўқотилиши тўғрисида муфассал сўзлаб берди.

Сариўзак районида фақат учирувчи ракеталар билан учириш контейнерлари йўқ қилинади. Ядро зарядларига келганда шуни айтиш кераккки, улар бу ерга олиб келинмади ва шартномага мувофиқ улар фойдали тарзда ишлатилади. Учирувчи ракеталар йўқ қилингандан кейин қолган ҳамма нарсалар йиғилиб, қайтадан эритишга юборилади.

Ракета комплексларининг қолган техникасидан халқ хўжалигида фойдаланиш мўлжалланмоқда. Масалан, қудратли шатакчи машиналар вездеходларга, кўтариш кранларига ва бошқа мураккаб агрегатларга айлантирилади. Ракеталарни тугатиш шартларининг аниқ бажарилишини Америка экспертлари (худди шунингдек АҚШда совет экспертлари) кузатиб турадилар.

Матбуот конференциясида Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари У. Д. Жонибеков, бошқа масъул партия ходимлари ҳозир бўлдилар.

